

**Кассация инстанцияси суди томонидан амнистия акти нотўғри қўлланилганлиги сабабли ажрим назорат тартибида бекор қилинган.**

Жиззах шаҳар суди томонидан Ш. 2002 йил 9 октябрда ЖК 277-моддаси 1-қисми билан судланган.

Ҳукмга кўра Ш. спиртли ичимлик истеъмол қилиб, 2002 йил 9 сентябрга ўтар кечаси Жиззах шаҳридаги 2-ётоқхонага кириб, жамиятда юриш-туриш қодаларини қасдан менсимасдан, 19 хонада яшовчи Д.ни уйғотиб, ҳақоратлаб, уриб-дўппослаб унга енгил шикаст етказган.

2003 йил 9 январда жиноят иши кассация инстанциясида кўрилиб, Ш.нинг ҳаракатлари ЖК 277-моддасининг 1-қисмидан 109-моддасининг 2-қисмига қайта квалификация қилинган, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 декабрдаги амнистия тўғрисидаги Фармонининг 5-моддаси қўлланилиб, жиноят иши тугатилган.

Кассация инстанция суди Ш.га нисбатан амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 5-моддасини асосиз қўллаган, чунки ушбу моддада амнистия акти чиққунга қадар дастлабки тергов олиб борилаётган ва судда кўрилмаган жиноят ишлари тугатилиши кўрсатилган. Ушбу жиноят иши амнистия тўғрисидаги Фармон эълон қилингунга қадар, яъни 2002 йил 9 октябрда судда кўрилиб, Ш.га нисбатан ҳукм чиқарилган.

Бундай ҳолда суд Ш.га нисбатан амнистия актининг бошқа моддаси қўлланилиши мумкинлиги масаласини муҳокама қилиши лозим эди.

Вилоят судининг раёсати ЖПК 494-моддасида кўрсатилган талаблар асосида, яъни назорат инстанцияси суди маҳкумнинг аҳволини оғирлаштиришга ҳақли эмаслигини инобатга олиб, кассация инстанцияси суди ажримини бекор қилиб, жиноят ишини янгитдан ўша босқичда кўриш учун юборган.